

ГЛОБАЛЛАШИШ ЖАРАЁНИ, ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ВА ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ

М.Н.Бобокулова СамДАҚИ, Ф.Р.Раджабова (СамДУ)

Мақолада глобаллашиш жараёни унинг бир тури булмиш оммавий маданият реал ҳаётга қайси бир жиҳатлари билан ухшашлиги ва шахс психологияси ҳақида мулоҳаза юритилган.

Хаммамизга маълумки, ХХІ аср ахборот технологиялар асридир. Техника, электроника ва шунга ухшаш мураккаб технологияларнинг яратилиши инсон ва унинг бевосита кундалик ҳаётидаги муаммоларнинг купайиб бориши билан характерланади. Тан олиш керакки, бу техника ва технологиялар инсон ҳаётидаги мураккабликларни анча енгиллаштириб, бебаҳо вақтини тежашга сабаб булмокда. Ҳозирги жадаллашиш жараёни, тезкорлик даври бир суз билан айтганда глобаллашиш инсониятга, жамиятга уз психологик таъсирини утказмасдан куймайди.

Бу мавзуда суз юритар экамиз, авваламбор бизда, глобаллашишнинг узи нима? Унинг қанака оқибатлари бор? У қандай юзага келади, унинг олдини олиш мумкинми? Унинг инсон психикасига таъсири қандай? Деган қатор саволлар тугилиш табиий.

Глобаллашиш, **ГЛОБАЛ** – лотинчадан олинган булиб, умумий, борлиқни қамраб олувчи, барчага тааллуқли деган маънони англатади. Шундан келиб чиқадиган булсак, глобаллашиш жараёни нафакат бизнинг шахримиз ёки мамлакатимизда, балки бутун дунё, жаҳон мамлакатларида кечаётган ҳодисадир.

Биз мустакилликка эришганимиздан кейин жаҳонда ривожланаётган мамлакатлар қаторига қушилган эканмиз, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, яратилаётган кашфиётлардан, энг сунгги янгиликлардан хабардор булиб туришимиз лозим. Бу янгиликлардан тезкорлик билан хабар топишимиз глобаллашиш натижасидадир. Демак, бизнинг мамлакатимизда ҳам бу жараён – глобаллашиш жараёни кечмокда.

Глобаллашиш жараёни турли қурулишларда содир бўлади. ОАВ, телевидение, радио, локал тармок булмиш интернет, газета, журналлар, уяли алоқа воситалари, инсоннинг ижтимоий ҳаётда қулайлиқни интилиши, узининг мустакиллигига интилиши, узлигини намоён этиши ва бунда турли хил йўналишлардан фойдаланиши қабил ҳодисаларда глобаллашиш жараёнини сабабчи қилиб қурсатишимиз мумкин.

Глобаллашиш жараёнининг бир тури булмиш оммавий маданият реал ҳаётга қайси бир жиҳатлари билан ухшаш, аммо айни пайтда ундан бир мунча узок булган ҳаёт манзарасини яратади. Қарашлар ва қадриятлар тизимини, ҳулқ моделини яратишга хизмат қилади. Оммавий маданият узининг мана шу хусусиятлари қиланинсоннинг идеалга булган эҳтиёжини қондиришга интилади.

Глобаллашув жараёнлари ва оммавий маданият экспанияси таъсирида қадриятлар тизимида содир бўладиган туб узғаришлар, ижтимоий мавжудот ҳисобланган инсонда муайян узғаришлар қелтириб чиқаради, инсон ва

жамият маънавий-ахлокий таянчлардан махрум этилади, жамият инкирозга учрайди.

Тан олиш керакки, глобаллашиш жараёни инсон учун, уни жамиятдаги уз урнини эгаллаши учун бир мунчв кулайликлар яратди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бу жараён таъсирида куплаб салбий окибатлар юзага келмокда.

Инсомоннинг мустакилликка эришиши, хаётдаги уз урнини эгаллаши, уз мулкига эришиши ва уни химоя кила олиши мактовга лойик, лекин бу мустакиллик ёки хаётдаги урни нима эвазига кулга киритилиши эътибордан четда колмокда, бу иккинчи даражага тушиб колмокда.

Глобаллашиш жараёни биринчи навбатда инсон онгига таъсир килади. Глобаллашишнинг салбий окибатлари инсоннинг факатгина шахсий манфаатни химоя килишига ундайди. Глобаллашиш натижасида инсонлар уртасидаги кадр-киммат, меър-окибат, иймон-эътикод, миллийлик каби тушунчалар йуколиб бормокда. Масалан, узбек халкига хос фарзандга булган инстинкт даражасига кутарилган меър гарбона дунёкараш туфайли оналарда, айникса оналарда купрок узини уйлаш, «уз хаётини» йулга куйиш, «уз хаёти» билан яшаш холатларига олиб келмокда.

Хулоса килиб айтадиган булсам, мен глобаллашиш жараёнини ё салбий, ё ижобий жараён сифатида бахоламайман. Хар бир кашфиётнинг, янгиликнинг ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари булгани сингари глобаллашиш жараёнининг ҳам икки хил хислати мавжуд. Бу икки хил хислатларнинг ижобийсини кенгайтириб, салбий окибатларини олдини олишимиз даркор. Бунинг учун биринчи навбатда ёшларни олдиндан, яъни оиладан, богчадан, мактабдан тугри тарбиялаб боришимиз керак. Уларга хаётда уз урнини топиши учун, келажакка булган интилиши цуколмаслиги учун, олдига куйган максади тугри ва бу максадга эришишда тугри йул танлашлари учун уларни тугри йуналтиришимиз керак. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, комунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сунг инсонлар онгида бушлик хосил булган. Бу бушликдан фойдаланиб биз учун мутлако ёт булган гоьлар сингдирилишидан аввал биз бу бушликни эзгулик, бунёдкорлик гоьлари билан тулдиришимиз, ёшларда мафкуравий иммунитет хосил килишимиз керак!

М.Н.Бобоқулова, Ф.Р.Раджабова. Глобаллашиш жараёни, оммавий маданият ва шахс психологияси. // «Иқтидорли ёшлар ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш» мавзусидаги X Республика илмий-амалий конференция. III қисм. Самарқанд, 2013. 10-12 бетлар.